

Аёлларнинг эркакларга аралашмасдан тавоф қилишлари ҳақида

«Аёллар учун махсус дарслар силсиласи» дарсидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Абдулҳафиз домла



Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший

طواف النساء من غير اختلاط بالرجال

مقالة مقتبسة من كتاب شرح الأربعون النسائية

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



عبد الحفيظ داملا



مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

باب طواف النساء من غير اختلاط بالرجال

10-боб. Аёлларнинг эркакларга аралашмасдан тавоф қилишлари ҳақида

« قَالَ: ابْنُ جُرَيْجٍ، أَخْبَرَنَا قَالَ: أَخْبَرَنِي عَطَاءٌ: إِذْ مَنَعَ ابْنُ هِشَامٍ النِّسَاءَ الطَّوَافَ مَعَ الرَّجَالِ، قَالَ: كَيْفَ يَمْنَعُهُنَّ؟ وَقَدْ طَافَ نِسَاءُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَ الرَّجَالِ؟ قُلْتُ: أَبَعَدَ الْحِجَابِ أَوْ قَبْلُ؟ قَالَ: إِي لَعْمَرِي، لَقَدْ أَدْرَكْتُهُ بَعْدَ الْحِجَابِ، قُلْتُ: كَيْفَ يُحَالِظَنَّ الرَّجَالُ؟ قَالَ: لَمْ يَكُنَّ يُحَالِظَنَّ، كَانَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا تَطُوفُ حَجْرَةً مِنَ الرَّجَالِ، لَا تُحَالِظُهُمْ، فَقَالَتْ امْرَأَةٌ: انْطَلِقِي نَسْتَلِمُ يَا أُمَّ الْمُؤْمِنِينَ، قَالَتْ: «انْطَلِقِي عَنكَ»، وَأَبَتْ ... »

Ибн Журайж айтади, Иброҳим ибн Ҳишом аёлларни эркаклар билан тавоф қилишдан ман қилган пайтда Ато менга айтдики: У қандай қилиб уларни ман қилади? Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари эркаклар билан (бир вақтда аралашмасдан) тавоф қилгандику! Мен сўрадимки: Бу ҳижобдан кейинми ёки аввалми? Ато айтдиларки: Ҳа, қасамки мен бу нарсани, яъни уларнинг эркаклар билан бирга бир вақтда тавоф қилганларини ҳижобдан кейин кўрганман. Ибн Журайж айтади, мен дедим: Қандай қилиб улар эркакларга аралашар эди? Ато айтдиларки: Улар аралашмас эди. Оиша розияллоҳу анҳо

эркаклардан алоҳида тавоф қилардилар, уларга аралашмас эдилар. Аёллардан биттаси Оиша онамизга: Эй Уммулмўъминин, юринг, ҳажарул асвадни ушлаймиз, деди. Шунда боравер ўзинг дедиларда, боришдан бош тортдилар. Имом Бухорий ривояти.

Ушбу ҳадисдаги Ибн Ҳишом, бу Иброҳим ибн Ҳишом, яъни Ҳишом ибн Абдулмалик халифанинг тоғаси бўлган, у шу пайтда Макканинг волийси эди ҳамда ҳажнинг амири эди, ҳаж пайтларда амр эди ҳажга. У Маккада волий бўлган пайтда аёлларга ғайрат қилиб, рашк қилиб аёлларни алоҳида, эркакларни алоҳида тавоф қилиш учун вақт ажратиб қўйди.

Байтуллоҳни тавоф қилиш ҳаж ва умра ибодатларидаги бир нусукдир. Бу тавофни ҳаж ва умарадан ташқари алоҳида қилса ҳам бўлади. Бу ибодатни эркаклар ҳам, аёллар ҳам баражадилар. Тавоф эса фақат Байтуллоҳул Ҳаромдагина қилинади. Эркаклар ва аёллар тавоф қилишадиган бўлса, албатта бу ҳолатда аралашшилик содир бўлиши мумкин. Шариат эса аралашшни ман қилган. Шариат ҳар қандай ҳолатлар, яъни аралашшиш мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатдан ман қилган. Тавофда аралашмасликнинг иложи йўқ. Аралашмаслик учун иккита ишнинг биттасини қилиши керак. Ёки эркакларга алоҳида, аёлларга алоҳида вақт ажратиш керак, ё бўлмасам аёллар эркаклар тавоф қилаётган пайтда тавоф қилаверишлари керак, лекин эркакларга аралашшишмасдан бир чеккада, чекароқда, узоқроқда тавоф қилишлари керак. Биринчи ҳолатни Ибн Ҳишом амалга оширди. Унинг бундай қилишлигига унинг

аёлларга нисбатан рашки, ғайрати бўлганди. Бироқ, унинг бу қилган иши машруъ иш эмас эди. Шариат буюрган иш эмас эди. Яъни, алоҳида вақт ажратиб кўйишлиги. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Ҳишомдан кўра ғайратлироқ эдилар, бироқ ул зот бу ишни қилмадилар. Агар бу иш ҳақ бўлганда ва яхшилик бўлганда, албатта ул зот бу ишни қилган бўлардилар ва умматларини бу яхшиликка йўллаб кўйган бўлардилар.

Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: «Мендан олдин бирор пайғамбар ўтган бўлса, албатта у ўз умматини улар учун яхшилик деб билган ҳар бир яхшиликка йўллаб кўйиши унинг зиммасидаги ҳақ эди ва уларни ўзи улар учун ёмонлик деб билган ёмонликдан қайтариб кўйишлиги ҳам зиммасидаги ҳақ эди». Балки, Ибн Ҳишомнинг қилган ишини нотўғри эканлигига, унинг бу ижтиҳоди хато эканлигига далолат қилувчи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ҳам бордир, ул зот айтдиларки: «Эй Абдуманоф — қабилага хитоб қилиб айтяптилар, улар Байтуллоҳдан маъсул эдилар — Сизлар бу Байтни, яъни Байтуллоҳни кеча ва кундузнинг қайси соатида бўлмасин бирон кишини тавоф қилишдан ҳам, намоз ўқишдан ҳам қайтарманглар». Байтуллоҳнинг олди доим очик бўлсин деганлар. Яъни, бировни қайтариш мумкин эмас эркак бўлсин, аёл бўлсин, қайси соатда бўлишидан қатъий назар. Шу ҳадисга биноан ҳам унинг қилган ижтиҳоди хато эди. Ундан ташқари Байтуллоҳга ёғилиб келаётган умрачилар ва тавофчилар, хусусан бугунги кунимиздаги ҳолатларда бунчалик кўп сонли одамларни иккига бўлиб: Сен фалон соатда тавоф қил, сен

фалон соатда тавоф қил, деб эркакларни, аёлларни ажратишлик жуда ҳам мушкул бўлар эди. Бу ечим умуман фойда бермай қоларди бугунги кунимизда. Бу жуда ҳам қийинчиликка сабаб бўлиши мумкин эди. Ибн Ҳишомнинг қилган иши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари қилган ишга муҳолиф бўлганлиги учун Ато ибн Аби Рабоҳ бу ишни инкор қилдилар ва ўзларининг инкорларига Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларининг қилган ишларини далил қилдилар.

Иккинчи ҳолат: Иккинчи ҳолатда айтдикки, яъни аёллар эркаклар тавоф қилаётган вақтда тавоф қилишаверади, лекин улар орқада эркаклардан узоқроқда, бир четда тавоф қилишади, дедик. Оиша онамиз ҳам айни шу ишни қилганлар. Аллоҳ таоло Оиша онамиздан рози бўлсин. Ибн Журайж Атонинг амирнинг қилган ишига этироз билдирганини кўрган пайтда, яъни эркак аёлларни тавофда аралашидан ман қилган пайтда Ибн Журайж Атодан сўрадилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларининг тавофи ҳижобдан аввалмиди ё кейинмиди, деб? Ато раҳимахуллоҳ бу нарса ҳижобдан қатъан кейин эканлигини баён қилиб бердилар. Чунки, Ато ибн Аби Рабоҳ тобеинлардан, тобеин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган бўлмайди, у фақат саҳобаларни кўрган бўлади. Ато ибн Аби Рабоҳ Ибн Аббоснинг катта шогирдларидан бўладилар. Шу пайтда Ибн Журайж яна бир аниқлаштириб олиш учун ёки у кишига инкор қилиб айтдиларки: Ие, қандай қилиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари эркаклар билан аралашиб тавоф қилишади? — деб сўради. Шунда Ато: Йўқ, улар аралашимас эди,

балки алохида, эркаларнинг орқасида, бир чекада тавоф қилишарди, деб тушунтириб бердилар. Ибн Журайж билан Ато роҳимаҳумуллоҳларнинг ўрталарида бўлиб ўтган бу ҳивор далолат қияптики: эркалар қадимдан, яъни салафлар қадимдан ҳам аёлларни эркаларга аралашини ман қилганлар. Шундан келиб чиқиб аёл киши агар тавоф қиладиган бўлса, эркаларга аралашмаслиги, уларга тиқилинч қилмаслиги керак. Балки, эркалардан узоқроқ жойда тавоф қилиши керак. Агар бунинг имкони бўлмаса, у тавоф холироқ бўладиган вақтни мўлжаллаб тавофга чиқсин. Ёки тиқилинч озроқ бўладиган вақтларни мўлжаллаб ўша вақтларда тавофга кирсин. Мана шу уни эркаларга аралашиб тавоф қилишидан кўра яхшироқдир. Мана шу гапимизни Умму Саламининг ҳадиси қувватлаши мумкин. Умму Салама айтадиларки: Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга қийналётганим, яъни оғираётганлигимни, яъни бетоблигимни шикоят қилдим. Шунда ул зот айтдиларки одамларнинг орқасида маркабга миниб олиб тавоф қилаверинг, дедилар. Одамларнинг орқасида, яъни намоз ўқиётган пайт одамларнинг орқасидан сиз тавоф қилаверинг, дедилар. Яъни, намоз ўқиётганлигида деганлигига шу ҳадиснинг лафзи ўзи далил бўлади, айтдиларки: Мен тавоф қилдим, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Уйнинг (Байтуллоҳнинг) ёнида намоз ўқиётгандилар. Ват-тур оятларини намозда ўқиётгандилар. Синдий раҳимаҳуллоҳ бу ҳадисга шарҳ бериб айтадиларки: «Имкони борича аёлларнинг тавофи эркаларникидан ажраган, яъни узоқроқ бўлгани яхши. Мана, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Умму Саламага эркалар намоз ўқиётган

пайтда тавоф қилишликка ижоза бердилар. Бу пайтда эркаклар намоз билан машғул бўладилар. Мазкур ҳадис эркаклар тавоф қилаётганда уларнинг орқасидан юришга далолат қилмаяпти. Балки, улар намозда эканлигига далолат қиляпти. Валлоҳу таоло аълам дедилар. Шу билан Синдидан нақл ниҳоясига етди.

Энди, бу ерда огоҳлантириб қўйишимиз муносиб-ки: аёллар эркаклар билан ҳажарул асвадни бориб ушлаш ёки уни ўпишликда тиқилинч қилмасликлари керак. Чунки, ҳажарул асвад аксар ҳолатда эркаклар билан тиқилинч бўлади. Агар аёл киши шу пайтда мен ҳам ҳажарул асвадни ушлайман деб борадиган бўлса, бу ерда аралашиш рўй беради, нафақат аралашиш балки бу ерда жасадларни бир-бирига тегиши, ёпишишлари рўй бериши мумкин. Бунини ҳажарул асвадни яқинроғига бориб кўрган одам тасаввур қилиши мумкин. Анча-мунча кучли эркаклар ҳажарул асвадга етдим деганда тиқилинч, оломон уни суриб ташлаб чиқариб юборади. Шунинг учун аёлларимизга насиҳатимиз, маслаҳатимиз бир суннат амалини амалга ошираман деб бир қанча ҳаром ишларга қўл уриб қўймасинлар. Тавоф қилаётганда Ҳажарул асвадга қўл теккизишлик суннат. Агар қўл теккизишни имкони бўлмаса, узоқдан туриб ишора қилишнинг ўзи кифоя қилади. Аммо, бориб эркакларга аралашиш, уларнинг орасига суқилиш бу ҳаром ишлардир. Мана, Оиша онамизни қаранг Оиша онамиз тавоф қилган пайтда бугунги кундаги тиқилинчлар бўлган эмас, шундай ҳолатда ҳам Оиша онамиз боришлиқдан бош тортдилар. Яъни, мен ҳажарул асвадни ушламайман, узоқдан тавоф қилавердилар.

Ушбу ўрганиб ўтган ҳадисимиздан куйидаги ҳукмларни ва фойдаларни олишимиз мумкин:

Биринчи: Эркаклар ва аёллар тавоф қилаётган пайтда аралашишлари мумкин эмас экан.

Иккинчиси: Аҳли илмлар илмий масалаларда илмий баҳс қилишлари мумкин. Ҳар бири ўз ҳужжатини баён қилишлиги билан муноқаша қилса бўлади.

Учинчи фойда: Собит бўлган суннатга хилоф қилган одамга инкор қилиш, гарчи у валиюл амр бўладиган бўлса ҳам. Мана, Ибн Ҳишомга Ато инкор қилдилар.

Тўртинчиси: Мусулмон одам ғайрати ва рашки туфайли шариатга хилоф иш қилиши мумкин эмас экан. Бу Ибн Ҳишоминг қилган ишидан олинди.

Бешинчиси: Эркак ва аёлларнинг ўртасини аралашишдан ман қилиш тобеинларнинг даврида ҳам маъруф ва маълум бўлган экан.

Олтинчиси: Шайтон инсонни адаштиришдан ҳеч чарчамайди, гарчи у Байтуллоҳни тавоф қилаётганда ҳам уни йўлдан оздиришга ҳаракат қилади.

Еттинчиси: Оиша розияллоху анҳонинг фазилатлари ва Оиша онамизнинг фақиҳа, яъни олима эканликлари.

Саккизинчиси: Бир қоидаки: Ёмон ишлардан сақланиш яхши ишларни қилишдан муқаддам қўйилади. Яъни, агар қарама-қарши келиб қолса, ё бир яхши ишни қилиш керак, ё бир ёмонликни тарк қилиши керак. Шунда ёмонлик тарк қилинади,

яхшилиқни қилинмайди. Буни Оиша онамизнинг қилган ишларидан оляпмизки: Ҳажарул асвадни ушлаш яхши иш эди, эркакларга аралашуш ёмон иш эди. Шу иккаласи қарама-қарши бир жойда келиб қолди, қайси бирини қилиши керак? Ҳажарул асвадни ушлаш керакми, яъни суннатни қиламан деб ёмон ишга қўл уриш керакми, ёки ёмонликдан сақланиб суннатни қилмай қўявериш керакми? Ёмонликдан сақланиш учун яхши ишни қилмай қўйилаверди.

Охири оладиган фойдамиз: Аралашушдан ман қилиш ҳам ҳижоб маъноларидан экан. Демак, аралашушлиқ очиқ-сочиқликка далолат қилади, деб ўтган дарсларимизда ҳам айтгандик.

